



ПРЕСС-РЕЛИЗ

Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати маркази ташкил этилганлигининг 100 йиллигига бағишланган “Гидрометеорология, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит мониторинги долзарб муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференция

2021 йил 7 май, Алишер Навоий номидаги Миллий кутубхона

Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати маркази Ўзбекистон Республикасида гидрометеорология соҳасидаги масалаларни ҳал қилиш учун махсус ваколатга эга ягона давлат бошқарув органи ҳисобланади. Ўз фаолиятида инсонлар ҳаёти ва мулкани ҳимоя қилиш, атроф-муҳит мониторинги ва муҳофазаси, барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, аҳоли ва мамлакат иқтисодиёти хавфсизлигини таъминлаш каби мамлакат фуқароларининг фаровонлигини оширишга йўналтирилган дастурларни амалга ошириш билан чамбарчас боғлиқ.

Ўзгидромет фаолиятининг асосий йўналишлари метеорология, агрометеорология, гидрология, иқлимий маълумотлар билан таъминлаш, хавфли ҳодисалар мониторинги, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги, авиация, мудофаа ва ихтисодиётнинг бошқа тармоқлари учун махсус тезкор гидрометеорологик хизмат кўрсатиш ҳисобланади. Шунингдек, аҳолига мунтазам равишда, оммавий ахборот воситалари орқали қутилаётган ва рўй бераётган об-ҳаво шароитлари, табиий гидрометеорологик ҳодисалар, атроф табиий муҳит ифлосланиши тўғрисидаги маълумотларни етказиб беради.

Кузатув тармоғи гидрометеорология хизматининг асосини ташкил этади. Бугунги кунда Республика бўйлаб гидрометеорология кузатув тармоғи станциялари ва постлар сони **335** тани ташкил этади, жумладан: метеостанциялар – 70та; гидрология станциялари ва постлари-134 та; қор кўчки станциялари – 3та; авиасетеостанциялар – 12та; агрометеорологик постлар – 33та; метеорологик радиолокаторлар – 3та; атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги пунктлари – 63та; атмосфера ҳавоси ифлосланиши мониторинги лабораториялари-17та.

2020 йилда 50та автоматик метеостанциялар ўрнатилган.

Ўзгидромет атмосфера ҳавоси, ер усти сувлари (табиий сув оқимлари), тупроқ ифлосланиши ва фон мониторингини амалга оширади. Мониторинг жараёнида олинган маълумотлар умумлаштирилади ва ушбу маълумотлардан Давлат экология қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, ҳокимиятлар, ОАВлар ва мутасадди ташкилотлар фойдаланадилар.

Ўзгидрометда атмосфера ҳавосининг ифлосланишини мониторингини модернизация қилиш бўйича изчил ишлар олиб борилиши натижасида, юқори

сифатли маълумотларни олишда замонавий IT- технологиялар ва воситалардан фойдаланилмоқда.

Ўзгидромет “ZAMIN” халқаро жамоат фонди, Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан ҳамкорликда пойтахтда ҳаво ифлосланишини кузатувчи 2та замонавий автоматик стационар станцияни ўрнатиши натижасида доимий равишда атмосфера ҳавосидаги инсон соғлиғи учун энг хавфли ифлослантирувчи моддаларнинг миқдорини кузатиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистонда гидрометеорология хизмати маркази ПҚ-4896- сон қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 970-қарорига асосан 2019-2022 йилларда Ўзгидромет тармоғи бино иншоатларини янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш амалга оширилмоқда. ПҚ-4896-сон қарорига асосан Ўзгидромет тармоғида 2021-2022 йилларда метеостанциялар сони- 70тадан-89тага, қор кўчки станциялари – 3тадан -8тагача; авиасетеостанциялар – 12тадан-14тагача; гидрология станциялари ва постлари-134 тадан-145гача, агрометеорологик постлар – 33тадан -45тагача; метеорологик радиолокаторлар – 3тадан-7тагача; кенгайтириш режелаштирилган. Шунингдек автоматлаштирилган метеорологик станциялари, қор кўчки станциялари ва агрометеорологик постларини 100 фоизга етказиш кўзда тутилган.

Сўнги йилларда ахборот технологияларининг жадал ривожланиши гидрометеорологик хизмат кўрсатиш тезкорлиги ва сифатини оширишга кенг имкониятлар яратмоқда. Соҳада ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш асосида маълумотлар ва прогнозлар электрон почта ва Интернет тармоғи орқали тарқатилмоқда. Марказ сайти <https://hydromet.uz/> даги прогностик маълумотлар, об-ҳаво шарҳлари, сунъий йўлдошдан олинган маълумотлар, агрометеорологик, гидрологик, экологик бюллетенлар мунтазам равишда янгиланиб борилмоқда. Шунингдек, мутахассис шарҳлари билан бирга прогнозлар, об-ҳаво шарҳлари ижтимоий тармоқларда ва ОАВда кенг ёритиб келинмоқда.

Хавфли гидрометеорологик ҳодисаларнинг интенсивлигини аниқлаш ва баҳолаш, олинган булутли ва ёғингарчиликли об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар асосида тезкор огоҳлантириш учун, қатор вазирлик ва идоралар жумладан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва бошқалар билан мунтазам равишда ҳамкорликда ишлар олиб борилади. Бу халқ хўжалигининг турли тармоқларига жумладан, қишлоқ хўжалигига, авиацияга янада ишончли ва сифатли хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларидан келиб чиқиб Марказ томонидан қуйидаги кўп томонлама халқаро ҳамкорликлар амалга оширилмоқда:

- Жаҳон Метеорология Ташкилоти
- БМТ нинг Иқлим ўзгариши тўғрисидаги Доиравий Конвенцияси Киото протоколи ва Париж келишуви
- ЮНЕСКО Халқаро гидрологик дастури

Жаҳон Метеорология Ташкилоти ва БМТ Атроф муҳит Дастури (ЮНЕП) Асос солган Иқлим ўзгариши бўйича ҳукуматлараро экспертлар гуруҳи(ИРСС) фаолиятида Ўзгидрометнинг юқори малакали мутахассислари иштирок этади.